

10. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилдан фойдаланишни такомиллаштириш. // Экономика и образование. 2021. №. 4. С. 172-176.
11. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа. // Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. 2017. С. 246-254.
12. Isaev F. Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, (6), 2017, 294-301. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579
13. Исаев Ф.И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий-электрон журнали. 2021.
14. Isaev F. Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, (6), 2021. 326-333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
15. Исаев Ф. Солиқ таҳлилни ўрганиш зарурати. // Архив научных исследований, 2 (1). 2022. Извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
16. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари. // Экономика и образование. 2022. Т. 23. №. 4. С. 190-196.
17. Исаев Ф. Ресурс солиқлари таҳлилни ташкил этиш методикаси. // Iqtisodiyot va ta'lim, 23 (5), 2022. 171-176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
18. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
19. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Concept of economic analysis and its structural components." International Journal of Marketing and Technology 7.12 (2017): 1-13.
20. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Analysis of the profit tax and its improvement." International Journal of Research in Social Sciences 7.12 (2017): 74-85.



РЕСПУБЛИКАМИЗДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Эргашов Жамшид Ашурович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил тадқиқотчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a58

Аннотация. Мазкур мақолада иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар бўйича солиқ салоҳиятини ҳисоблаш формулалари келтирилган, шунингдек, солиқ сиёсатини такомиллаштириш, бюджетда харажатлар эҳтиёжлари ва тенглаштириш дастурларининг асосий жиҳатларини аниқлашда мавжуд инновацион усуллар ва услубий ёндашувларни ишлаб чиқишни такомиллаштириш, давлат молиясини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлашнинг кенг қўламли усулларини жорий этиш юзасидан таклифлар берилган.

Калит сўзлар: солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, маҳаллий бюджет, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, репрезентатив солиқ ставкаси, ўртача ставка солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ДОХОДОВ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ В НАШЕЙ РЕСПУБЛИКЕ

Эргашов Джамшид Ашурович -

Независимый исследователь
Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. В данной статье представлены формулы расчета налогового потенциала отраслей экономики и регионов, а также усовершенствование разработки существующих инновационных методов и методических подходов в целях совершенствования налоговой политики, расходной потребности бюджета и основных аспектов выравняющих программ, экономико-математическое моделирование с целью повышения эффективности управления государственными финансами и вносятся предложения по внедрению крупномасштабных методов прогнозирования.

Ключевые слова: налог, бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, местный бюджет, налоговый потенциал, нормативный анализ, положительный анализ, налоговая нагрузка, репрезентативная налоговая ставка, средний налоговый отчет, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая ставка.

WAYS TO IMPROVE FORECASTING OF LOCAL BUDGET REVENUES IN OUR REPUBLIC

Ergashov Jamshid Ashurovich -
Independent researcher
of Tashkent State University of Economics

Abstract. This article presents the formulas for calculating the tax potential of economic sectors and regions, as well as improving the development of existing innovative methods and methodological approaches in order to improve the tax policy, budget expenditure needs and the main aspects of equalization programs, economic-mathematical modeling in order to increase the efficiency of public finance management and suggestions are made regarding the introduction of large-scale methods of forecasting.

Key words: tax, budget policy, budget, tax administration, local budget, tax potential, normative analysis, positive analysis, tax burden, representative tax rate, average tax report, tax revenues, tax benefits, tax rate.

Кириш. Давлат бюджети тузумидан ва тараққиёт даражасидан қатъи назар, давлат функцияларини бажариш учун бюджет даромадларини лозим даражада шакллантириш ҳар бир давлат учун зарур ҳисобланади. Бу эса пандемия шароитида, аҳолини қўшимча ижтимоий ҳимоя қилиш зарурати юзага келган вақтда, иқтисодий фаолликнинг камайиши, таъдбиркорлик фаолиятининг тўхташи ва бошқа омиллар натижасида давлат бюджети даромадларининг камайиши кўп давлатларда давлат бюджети даромадларини шакллантиришда оптимал ёндашув зарурлигини тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. А.В.Брызгалиннинг қарашича, солиқ юки умумлаштирувчи кўрсаткич бўлиб, солиқ йиғимларининг умумий суммаси жами миллий маҳсулотга нисбати билан аниқланади [1]. В.Г.Пансков ва В.Кынязевнинг фикрича, мамлакат даромадида солиқ юкини аниқлашда тўланган солиқлар суммасининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбати кўрсаткичи қўлланилади [2].

Е.Беккер эса солиқ тўловчилар давлат бюджетига солиқ тўламасликка интилиш сабабларини ўрганиб, солиқдан қочишга қарши курашиш орқали давлат бюджети даромадларини ошириш йўллари кўрсатиб берган [4].

Жумладан, А.В.Брызгалин ўз тадқиқотларида солиқ тушумлари билан солиқ юки ўртасидаги боғлиқликларни тадқиқ қилиб, унинг солиқ тушумлари прогнозига таъсирини баҳолаган бўлса [1], В.Г. Пансков ва В.Кынязев бюджетни прогноз қилишда солиқ тушумларини прогнозлаштиришнинг аҳамиятини кўрсатиб берган [2].

С.Худойкулов ўз тадқиқотларида эконометрик усуллар орқали давлат бюджети жами даромадларининг 2018-2023 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини аниқланган [1], А.Агзамов жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг 2019-2023 йиллар учун прогноз кўрсаткичларини аниқлаган [6], У.Пардаев давлат бюджети даромадларини прогнозлаш масалаларини тадқиқ этган [7], Ж.Урмонов 2018-2020 йилларга мўлжалланган ягона солиқ

тўловининг солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичларини аниқлаган [8].

А.А.Шернаев, Н.Э.Жияноваларнинг фикрича, “маҳаллий бюджет давлат бюджетининг даромад манбалари ва улардан тушумларни, шунингдек, харажат йўналишлари ва молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблағлар миқдорини назарда тутувчи тегишли вилоят, туман, шаҳарнинг пул маблағлари жамғармасидан иборат қисмидир” [9].

Ўз навбатида, Т.Маликовнинг таъриф беришича эса “маҳаллий бюджет давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари фондини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади” [10].

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада мантиқий усул ва моделлаштириш усуллари, таҳлил ва синтез, норматив ёндашув, тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик ва эконометрик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Давлат солиқ хизмати органларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг прогноз параметрларини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича тушумларни ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат бюджети даромадларини прогнозлаш қуйидаги тамойилларга мувофиқ амалга оширилиши лозим:

узлуксизлик тамойили прогноз баҳолашни такомиллаштириш учун прогнозлаш жараёнининг доимийлигини (реал вазиятнинг кутилаётган ўзгаришлари муносабати билан прогноз баҳолашни аниқлаштириш), шунингдек, бюджет даромадларини прогнозлаш ва даромадларни бошқариш режаларини тузиш ўртасидаги боғлиқликни таъминлайди;

кўп вариантли ҳисоб-китоблар тамойили – турли прогноз вариантларини таққослаш ва оптимал вариантни танлаб олиш;

тўлиқлик тамойили Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча даромадларни бюджетда муҳимлиги ва аҳамиятлилиги талабига риоя этилишини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда прогноз қилишни назарда тутати;

бирлик тамойили барча маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича бюджет даромадларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлашда ягона ёндашувни қўллашни назарда тутати;

изчиллик тамойили қуйидагиларни англатади:

бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш параметрлари ва йўналишларига ҳамда бюджет параметрларига мувофиқлиги;

эҳтиёткорлик тамойили ҳисоб-китоблар учун зарур бўлган мулоҳазани шакллантириш жараёнида маълум даражада эҳтиёткорликни назарда тутати, бу эса даромадларни ошириб кўрсатиш ва йўқотишларни тўғри баҳолаш олдини олишга имкон беради.

Шунингдек, давлат бюджети даромадлари прогнозини шакллантириш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилиши лозим:

даромад турлари бўйича базани аниқлаш (ййғиш, тўплаш), прогнозлаш учун параметрлар тизимини танлаш;

маҳаллий бюджетга даромадлар тушишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, даромадлар ўсишини рағбатлантирадиган ҳамда даромадлар ўсишини секинлаштириш мумкин бўлган таъсирлар тўғрисида эксперт хулосаларини илгари суриш;

дастлабки маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш, уларни баҳолаш, маълумотларнинг бир хиллиги ва солиштирилишини текшириш;

зарур ҳолларда бюджет даромадлари тўғрисидаги дастлабки маълумотларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тузатиш, бюджет йўқотишларини (қўшимча даромадларини), бир марталик тушумларни миқдорий баҳолаш;

маҳаллий бюджет кўрсаткичлари динамикаси тенденцияларини аниқлаш, прогнозларнинг бир нечта вариантларини ишлаб чиқиш;

даромадларни прогноз қилишнинг турли хил вариантларини кўриб чиқиш ва энг мақбулини танлаш ҳамда бюджет даромадлари бўйича фискал кўрсаткичларни умумлаштириш лозим бўлади.

Бундан ташқари прогнозлаш методологияси ҳар бир даромад тури учун ишлаб чиқилади ва ҳар бир даромад тури учун қуйидаги ҳисоблаш усуллари билан бирини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади:

тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули – даромад турлари бўйича тушумларнинг прогноз ҳажмини белгиловчи ҳажм ва таннарх кўрсаткич-

лари, ставкалар даражалари ва бошқа кўрсаткичларнинг прогноз қийматларидан бевосита фойдаланиш асосида;

индексация усули – Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари даромадларининг прогноз тури динамикасини тавсифловчи ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш коэффициентларидан, шу жумладан, абсолютда фойдаланган ҳолда ҳисоблаш;

экстраполяция усули – олдинги даврлардаги даромадлар тенденциялари тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида амалга оширилдиган ҳисоб-китоб;

ўртача ҳисоблаш усули – Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари даромадларининг йиллик ҳажмларини камида 3 йил давомида ёки агар у 3 йилдан ошмаса, тегишли турдаги даромадлар келиб тушишининг бутун даври учун ўртача кўрсаткичларига асосланган ҳисоб-китоблари, даромад олишни ишончли прогноз қилиш имконини берувчи бошқа усуллардан фойдаланиш мумкин.

Давлат бюджети даромадларини прогнозлаш қуйидаги тартибда амалга оширилиши лозим бўлади:

Хусусан, акциз солиғи прогнозини ҳисоблаш тартиби қуйидаги формула орқали прогнозлаштирилади:

$$P = Sb * St * Ks - Si$$

P – солиқ прогнози;

Sb – акциз солиғига тортиладиган товарлари базасининг келгуси йилдаги прогнози;

St – тегишли акциз солиғининг ставкаси;

Ks – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришларни ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

Si – кутилаётган солиқ имтиёзлари.

Айланмадан олинандиган солиқлар бўйича прогноз жорий йилда кутилаётган тушумлар ҳажмининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозига мувофиқ ялпи ички маҳсулотнинг прогноз қилинадиган ўсиш суръати ёки прогноз қилинадиган инфляция даражаси бўйича индексация қилиш йўли билан ҳисобланади. Солиқ прогнози қуйидаги формула орқали прогнозлаштирилади:

$$P = (Kd * GDPk \pm Tk) * Ks * Si$$

P – солиқ прогнози;

Kd – айланмадан олинандиган солиқнинг кутилаётган миқдори;

GDPk – ялпи ички маҳсулотнинг номинал ўсиш суръатлари;

Tk – солиқ сиёсати концепцияси шартлари-га кўра кутилаётган қўшимча даромад ёки йўқотиш;

K_s – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришларни ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

S_i – кутилаётган солиқ имтиёзлари.

Айрим тоифадаги жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий тартибда тўланадиган ижтимоий солиқни ҳисоблаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$P = S * K_b * m$$

Бунда: P – ихтиёрий тартибда тўланадиган ижтимоий солиқ прогнози;

S – ўтган даврдаги тўланган жисмоний шахсларнинг ижтимоий солиқ миқдори;

K_b – келгуси даврда базавий ҳисоблаш миқдорини ошириш коэффициенти, %;

m – ой.

Хулоса ва таклифлар. Давлат молиясини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида иқтисодий-математик моделлаштириш ва башорат қилиш каби кенг доирадаги илмий усулларни қўллашни такомиллаштириш зарур.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Брызгалин А.В. *Налоговая оптимизация: принципы, методы, рекомендации.* – М., 2002. С. 54.
2. Пансков В., Кынязев В. *Налоги и налогообложение. Учебник.* – М.: МЦФЭР, 2003. С. 61.
3. Laffer A., Seymour J.P. *The economics of the Tax revolt.* – San Diego. Harcourt Brace Jovanovich, Inc, 1976, – 230 p.; Myles, G.D. *Public economics.* – Cambridge University Press, 1995. – 538 p.
4. Беккер Е.Г. *Микроэкономические аспекты проблемы уклонения от налогов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.* – М.: Финансовая академия при Правительстве РФ, 2006. – 73 с.; Lott, W.F., Miller S.M. *Excise Tax Revenue Maximization. Southern Economic Journal*, 1974, Vol. 40 No. 4, – pp. 657-664.
5. Худойқулов С.К. *Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати.* 2019 йил. 14-16, 20-21, 28-29-б.
6. Агзамов А.Т. *Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.* 2019 йил. 17-22-б.
7. Пардаев У.Ў. *Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.* 2018 йил. 11-20-б.
8. Урмонов Ж.Ж. *Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси.* <http://diss.natlib.uz>. 2019 йил. 27-б., 218-220, 225-230.
9. Шернаев А.А., Жиянова Н.Э. *Давлат молиясини бошқариш.* 5A230601 – «Давлат молиясини бошқариш», 5A230604 – «Халқаро молия» магистратура мутахассислари учун дарслик. – Т.: ТФИ, 2019. – 365 б.
10. Маликов Т.С., Олимжонов О.О. *Молия. Дарслик.* / Тошкент молия институти. – Т., 2019. – 887 б.
11. *Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.* – Т.: Фафур Ғулом нашриёт уйи, 2020. – 640 б.
12. Qurbanov Z., & Isaev F. *Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (1), 2017, 321-328. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190
13. Исаев Ф. *Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. // Экономика и образование*, (6), 2021. 86-91. Извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
14. Исаев Ф. *Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилдани фойдаланишни такомиллаштириш. // Экономика и образование.* 2021. №. 4. С. 172-176.
15. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. *Налоговый анализ как новое направление экономического анализа. // Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации.* 2017. С. 246-254.
16. Isaev F. *Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (6), 2017. 294-301. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579
17. Исаев Ф.И. *Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали.* 2021.
18. Isaev F. *Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (6), 2021, 326-333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
19. Исаев Ф. *Солиқ таҳлилинини ўрганиш зарурати. // Архив научных исследований*, 2 (1). 2022. Извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
20. Курбанов З., Исаев Ф. *Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари. // Экономика и образование.* 2022. Т. 23. №. 4. С. 190-196.
21. Исаев, Ф. *Ресурс солиқлари таҳлилинини ташкил этиш методикаси. // Iqtisodiyot va ta'lim*, 23 (5), 2022. 171-176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
22. Isaev F. I. *Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding.* – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
23. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Concept of economic analysis and its structural components." *International Journal of Marketing and Technology* 7.12 (2017): 1-13.
24. Ikromovich, Isayev Fakhriddin. "Analysis of the profit tax and its improvement." *International Journal of Research in Social Sciences* 7.12 (2017): 74-85.